


«Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмини янада ривожлантириш ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон эълон қилинди



15:30 / 29.12.2020 2389

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмини янада ривожлантириш ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Жумладан, фармонда 2021 йилда хизматлар ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг драйверлари сифатида **«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат**

қил!» шиори остида ички туризмни оммалаштириш, шунингдек, зиёрат туризмни ривожлантириш, ҳамда «Умра+» зиёрат дастурини амалга ошириш белгиланди.

Хусусан, Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамларни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунлар уч кундан кам бўлмаган муддатга белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази**, Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – **Хоразм Маъмун академияси, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси** ҳузуридаги **Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази** ва **Мир араб олий мадрасаси** тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида 3 штат бирлигидан иборат **«Зиёрат туризмни ривожлантириш илмий бўлими»** ташкил этилади.

Қолаверса, фармонда айтилишича, «Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридори бўйлаб жойлашган туризм инфратузилмаси объектларида диний амалларни бажариш (намозхона ва таҳоратхоналар) учун шарт-шароитлар яратиш мажбурий қилиб белгиланди.

«Умра+Ўзбекистон» зиёрат туризми дастури доирасида саёҳатни амалга оширувчи йўловчилар учун Ўзбекистон Республикасидан учиб кетишда пул тўланмасдан олиб чиқишга рухсат этилган юк оғирлиги қўшимча **10 килограммга оширилди.**

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Бадиий академия билан биргаликда икки ой муддатда **Самарқанд шаҳрида Ислом дини ва минтақадаги мавжуд дин намоёндалари меросини акс эттирувчи тематик ҳиёбонни** яратиш, Бухоро вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда **Бухоро шаҳрида Ислом дини тарихи ва мусулмон оламида таниқли машҳур шахслар инновацион музейини** қуриш ва уни ривожлантириш концепцияси бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш юклатилди.

Фармоннинг тўлиқ шакли билан қуйидаги манзилда танишиб чиқишингиз мумкин:

regulation.gov.uz/uz/d/26583